

№75-Олди - сотди шартномаси

«09» сентябрь 2022 йил

Дўстлик шаҳри

Дўстлик туман «Нодира Чевар» хусусий корхонаси
(кейинги ўринларда «Сотувчи»)

Низом асосида иш олиб борувчи номидан раҳбари Мелибоева Нодира орқали бир томондан ва Фориш туман тиббиёт бирлашмаси

(кейинги ўринларда «Харидор»)

Низом асосида иш олиб борувчи номидан раҳбари А.Жаббарова орқали иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1 Сотувчи ўзига тегишли бўлган мол-мулкни «Харидор»га буюртма асосида етказиб беради, «Харидор» эса мол-мулкнинг ҳақини тўлагандан кейин олиш ҳуқуқига эга бўлади.

1.2 Мол-мулк тўғрисида маълумот:

| № | Товар (иш хизматлар) номи | Ўлчов бирлиги | Сони | Нархи | Етказиб бериш қиймати |
|---|---------------------------|---------------|------|---------|-----------------------|
| 1 | Комплект постелний белё | Комп. | 100 | 148 000 | 14 800 000 |
| | Жами: | | | | 14 800 000 |

2. Шартнома қиймати

2.1 Шартнома баҳоси (ўн тўрт миллион саккиз юз минг) сўм.

3. Тўлов шартномаси

3.1. Ушбу шартнома бўйича тўловлар пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. Мажбуриятларнинг бажарилиш муддати

4.1. Харидор томонидан олинаётган маҳсулот учун олдиндан 30 % тўловни амалга оширади ва қолган 70 % маҳсулотни олган кундан бошлаб 3 кун ичида тўлаб беради.

4.2. Харидор Сотувчининг ҳисоб рақамига пул ўтказганидан сўнг, сотувчи маҳсулотни 5 кун вақт ичида бериши шарт.

4.3. Мазкур шартнома туман Ғазначилик бўлини масида рўйхатга олингандан кейин кучга киради ва «31» 12.2022 йилгача амал қилади.

5. Тарафларнинг ҳуқуқлари

5.1. «Харидор» ҳуқуқлари :

5.1.1. «Харидор» муддатлар бузилган ёки тегишли даражада сифатга муофик бўлмаган ҳолда етказиб берилган маҳсулотни қабул қилиниши;

5.1.2. «Сотувчи» харидордан етказиб бериладиган маҳсулот учун олдиндан тегишли хани тўлашни ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда узил кесил ҳисоб китобларни амалга ошириши :

5.2.2. Шартномадаги ёки шартнома асосида берилган буюртмага муофик етказиб берилган маҳсулотни қабул қилишни асоссиз рад этиши натижасида етказилган зарарни қоплашни «Харидор» дан талаб қилишга ҳақлидир.

6. Тарафларнинг жавобгарлиги

6.1. Тарафларнинг бир шартнома мажбуриятларини бажармаган лозим даражада бажармаган тақдирда, бу тараф бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди.

6.2. Сотувчи тайёрлаган маҳсулот етказиб берилганлиги учун Харидорга етказиб берилган ҳар бир кун учун тайёрланган маҳсулот баҳосининг 0,5 % миқдорида жарима тўлайди, лекин бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган тайёрланган маҳсулот баҳосининг 50 % дан ошиб кетмаслиги зарур .

Кўриб чиққан юрист: МАХАММАТОВ УТКИР НАЗИМОВИЧ. Хужжат рақами: LG4605431853

6.3. Тегишли даражада сифатли бўлмаган тайёрланган маҳсулотни ўз вақтида алмаштиришдан бош тортса,

сотувчи харидорга кечиктирилган ҳар бир кун учун сифатли бўлмаган тайёрланган маҳсулот баҳосининг 0,4% миқдорда пеня тўлайди.

6.4. Тайёрланган маҳсулот учун сотиб олувчи ўз вақтида тўламаганлиги учун сотувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган суммасининг 0,5% миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % дан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

7. Форс - мажор ҳолати

7.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мажбур булган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (ушбу ёлгон қилиниши ёки боғланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, енгил ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир).

7.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслиги сабаблари тўғрисида иккинчи тарафни огоҳлантириши шарт.

7.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч уч ой узликсиз давом этса, тарафлар бир бирини ёзма равишда огоҳлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

8. Низони ҳал қилиш тартиби

8.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

8.2. Тарафларнинг келишуви билан ҳал қилиниб бўлмайдиган қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳўжалик суди орқали ҳал қилинади.

9. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

9.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш, барча қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгандан сўнг юридик кучга эга.

9.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига ва нормалларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

10. Коррупцияга қарши шартлашув

10.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.09.2021 йилдаги "Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6313-сонли Фармонининг 3-қисм в) бандига мувофиқ:

Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни ташкилот ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёхуд мумкинлиги учун моддий қимматликлами ёки мулкый наф олиш учун қуйидаги ҳаракатларни қилмайди:

пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш;

товламачилик қилиш;

пора сифатида пул тўлаш;

бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш.

Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

10.2. Агар шартнома бўйича бир томон ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиқ ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак: коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган ишонч телефони: **Call markaz-1253, Telegram-kanali e-mail: info@anticorruption.uz**

10.3. Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда Томонлар коррупцияга қарши курашиш бўйича қоидаларга, шу жумладан амалдаги амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди, яни улар, уларнинг ходимлари, кафилланган шахслар, бенифициялари ва шартномани амалга оширишдаги ҳамкорлари, пудратчилари томонидан бир-бирига ёки давлат иштирокидаги ташкилот ходимига пора бериш ёки пора беришда воситачилиқ қилиш моддий ёки номоддий наф олишдан тийилиши лозим. Томонлар ушбу ҳаракатларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинишини кафолатлайди.

10.4. Томонлар коррупцияга қарши қоидалар бузулганда ёки асосли гумонлар юзага келганида дарҳол ёзма равишда (электрон почта орқали) ёки ишонч телефони (78 150 26 03) орқали бир-бирини хабардор қилиш мажбуриятини олади. Бунда томонлар юзага келган ҳолатга оидинлик киритиш мақсадида ёзма изох

талаб қилиш ҳуқуқига эга ва мурожаатини олган томон 10 (ўн) иш куни мобайнида тушинтириш бериши ёки ўз фикрини билдириши мумкин.

10.5. Мазкур бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан белгиланган муддатда коррупцион хавф-хатар баратараф этилмаса, томонлар амалга оширган чоралар коррупцион ҳолатни пасайишига олиб келмаса, бошқа томон шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга ёки унинг ижросини тўхтатиб қўйиши мумкин.

10.6. Ушбу бобда кўрсатилган асослар бўйича шартномани бир томонлама бекор қилиш талаб қилган томонга етказилган зарарларни қоплаш қонунчиликда кўрсатилган тартибда амалга оширилади, ушбу бобнинг мажбуриятлари ни бузган томон эса шартноманинг бир томонлама бекор қилиниши оқибатида кўрилган зарарлар қоплашни талаб қилишига ҳақли эмас.

11. Бошқа шартлар

11.1. Ушбу шартнома тарафлардан ҳар бири учун ҳақиқий, бир ил юридик кучга эга бўлган 3 нусхада тузилади.

12. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари.

«Сотувчи»

Жиззах вилояти Дўстлик тумани
Ҳамза МФЙ Дўстлик кўчаси 7-уй
«Нодира чевар» х/к

Х/р 20208000904875803001


МФО 00135 ИИН 301742943

ОКОНХ 17210

ОАТБ Микрокредит банк

Дўстлик туман бўлим

Н. Мелибоева



(имзо)

«Харидор»

Фориш ТТБ

Адрес: Боғдон ш. А.Темур кўчаси 1-А уй

Х/р: 100022860082357073101054003

МФО: 00014 ИИН:200341496

Банк номи Марказий банк Тошкент ш.

Ҳазначилик бўлинмасининг номи Фориш туман
бўйича Ҳазначилик бўлинмаси

ЯҒХ – 23402000300100001010

Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош
бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ХККМ)

МФО: 00014 Ҳазначилик бўлинмасининг

СТИРи 201122919

Ф.И.Ш.

А.Жаббарова



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY

X U L O S A

1. Loyihaning turi

Shartnoma.

2. Loyihaning nomi

Forish tuman tibbiyot birlashmasi uchun xarid komissiyasining lot raqami 140229-son bo'lgan bayonnomasi orqali tanlov g'olibi bo'lgan "Nodira chevar" xususiy korxonasi tomonidan choyshablar to'plamini oldi-sotdisi to'g'risidagi shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot

Shartnoma loyihasi Forish tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 2022-yil 30-avgust kunda ishlab chiqilgan va elektron tizimga kiritilgan.

4. Mas'ul ijrochi

Forish tuman tibbiyot birlashmasi mas'ul xodimi B.Tangirov.

Forish tuman yuridik xizmat ko'rsatish markaziga tizim orqali Forish tuman tibbiyot birlashmasining "Nodira chevar" xususiy korxonasi va tuman tibbiyot birlashmasi o'rtasidagi oldi-sotdi bo'yicha shartnomasi huquqiy ekspertizadan o'tkazish va xulosa berishlik uchun kelib tushgan.

Shartnoma loyihasida Forish tuman tibbiyot birlashmasi uchun xarid komissiyasining lot raqami 140229-son bo'lgan bayonnomasi orqali tanlov g'olibi bo'lgan "Nodira chevar" xususiy korxonasi tomonidan choyshablar to'plamini oldi-sotdisi to'g'risidagi shartnoma.

"Nodira chevar" xususiy korxonasi tomonidan Forish tuman tibbiyot birlashmasi bo'yicha 26.08.2022 yilda o'tkazilgan elektron tanlov bo'yicha xarid komissiyasining lot raqami 140229-son bo'lgan bayonnomasi orqali tanlov g'olibi bo'lganligi uchun ishlarni muddatida va sifatli bajarish xizmatlarini ko'rsatashi belgilangan.

Forish tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan "Nodira chevar" xususiy korxonasi tomonidan choyshablar to'plamini oldi-sotdisi to'g'risida 15.000.000 so'mga tanlov e'lon qilingan (lot raqami: 140229).

Forish tuman tibbiyot birlashmasi xarid komissiyasining 2022-yil 26-avgustdagi bayonnomasiga asosan e'lon qilingan tanlovda "Nodira chevar" xususiy korxonasi g'olib deb topilgan.

O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni 10-moddasiga asosan xo'jalik shartnomasi shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdagi shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko'ra o'zaro kelishuvga erishish lozim bo'lgan boshqa muhim shartlarni nazarda tutishi kerak.

O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 31-moddasiga asosan pudrat shartnomasi bo'yicha bir taraf (pudratchi) ikkinchi taraf (buyurtmachi)ning topshirig'iga binoan ma'lum bir ishni bajarish va uning natijasini buyurtmachiga belgilangan muddatda topshirish majburiyatini oladi, buyurtmachi esa ish natijasini qabul qilib olish va buning uchun haq to'lash majburiyatini oladi. Agar qonunchilikda yoxud taraflar kelishuvida boshqacha tartib nazarda tutilgan bo'lmasa, ishni bajarish uchun pudratchi tavakkal qiladi.

Shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni hamda amaldagi fuqarolik qonunchiligiga muvofiq tuzilgan.

Shartnoma loyihasiga yuridik shaxsning davlat ro'yxatidan 20.01.2015 yilda o'tkazish haqidagi guvoxnoma (reestr №10-222, №000222), "Nodira chevar" xususiy korxonasi Ustavi hamda Forish tuman xalq ta'limi bo'limi elektron xarid komissiyasining 2022-yil 26-avgustdagi bayonnomasi (lot raqami: 140229) hamda boshqa zaruriy hujjatlar ilova qilingan.

Shartnoma loyihasini huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra:

XULOSA:

Forish tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan taqdim etilgan "Nodira chevar" xususiy korxonasi tomonidan Forish tuman tibbiyot birlashmasi bo'yicha 26.08.2022 yilda o'tkazilgan elektron tanlov bo'yicha xarid komissiyasining lot raqami 140229-son bo'lgan bayonnomasi orqali "Nodira chevar" xususiy korxonasi tanlov g'olibi bo'lganligi uchun shu xususiy korxonasi tomonidan choyshablar to'plamini oldi-sotdisi shartnomasi loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq tuzilgan.

**Yuridik xizmat ko'rsatish
markazi bosh yuristkonsulti**



U. Maxammatov

2022-yil 09-sentabr